1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ОБРЎСИ КУНДАН-КУН ОРТИБ БОРМОҚДА

ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ ЖАҲОНДАГИ 111 МАМЛАКАТ РАСМИЙ РАВИШДА ТАН ОЛДИ, УЛАРДАН 40 ДАН ЗИЁДИ БИЛАН ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 136 (21. 235) 1992 йил 11 июль, шанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига мурожаатномасини ўқиб, жуда таъсирландим. «Эндиликда бизнинг истиқболимиз ўзимизгагина боғлиқ, — дейилади мурожаатномада. — Ҳеч нарса ўз-ўзидан яратилмайди, ҳар куни ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмас эканмиз, четдан келадиган ҳар қанақа ёрдам ҳам бизга чинакам мустақилликни бермайди».

Дарҳақиқат, гап фақат ҳалол меҳнатда. Шу боис соҳта шиорлару сафсатабозликнинг кераги йўқ. Афсуски, республика раҳбарияти жамиятни қийинчиликлардан олиб чиқиш, қолаверса, Ўзбекистон тақдири тўғрисида жон куйдираётган бир пайтда айрим нопок кучлар ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришга уринмоқдалар. Бундай ғайри-ҳуқуқий ҳаракатлар ҳаётий тажрибадан маълумки, узоқ яшамайди. Халқнинг кўз ўнгида шарманда-ю шармисор бўлади.

Ҳолбуки, бизнинг бугунги саъй-ҳаракатимиз Ўзбекистонни алғов-далғовлардан сақлаб, халқимизни фаровон ҳаёт йўлларини излаб топишга йўналтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Айни пайтда аксари одамлар Президентимиз сиёсатини маъқуллаб, тинч ва осойишта ҳаёт кечириш учун аҳиллик билан меҳнат қилишга интилмоқдалар.

Қурбон ҲАҚБЕРДИЕВ,
Шаҳрисабз районидаги А. Темур номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

ЯЛТИРОҚ ШИОРЛАРГА УЧМАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши сессиясида Президентимиз И. Каримов сўзлаган нутқ, сессия қабул қилган Мурожаатнома ҳамма қатори қишлоқ муаллимларини ҳам ҳаяжонга солди. Президентимиз таъкид этганидек, биз демократик давлат қурмоқчи эканмиз, энг аввало, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Дарҳақиқат, агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг ўйи куйсин.

Олий Кенгаш сессияси арафасида бир қатор кам даромадли меҳнаткашлар тоифаси қатори ўқитувчиларнинг ҳам иш ҳақи оширилганлиги республикада чинакам ижтимоий адолат қарор топаётганига ишончли далилдир.

Шунинг учун ҳам биз, қишлоқ ўқитувчилари, Мурожаатномада айтилганидек, «...одамларнинг эҳтиёжига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ялтироқ шиорлар ва сафсатаомуз чақириқларнинг туб мақсади нима эканини» яхши биламиз. Ёш авлодни севимли она юртимизда тинчлик ва тотувликни таъмин этиш йўлида тарбиялаймиз.

Қаҳрамон УСМОНОВ,
Жондор район Киров номли мактаб математика ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ҳарбий қасамёднинг қуйидаги матни тасдиқлансин:

«Мен, (фамилияси, исми, отасининг исми), Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан.

Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, қўмондонлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққати ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқнинг нафратига мубтало бўлай».

2. Белгилаб қўйилсинки, ҳарбий қасамёдни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларга, муассасаларга, бошқа ҳарбий қўшилмаларга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар, ҳарбий ўқув юртларининг илгари ҳарбий қасамёд қабул қилмаган курсантлари қабул қиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизматни ўтаётган ва илгари ҳарбий қасамёдни қабул қилган ҳарбий хизматчилар қасамёд қилдирилмайдилар.

4. Ҳарбий қасамёд қилдириш тартиби тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИЛМ-ФАННИ ДАВЛАТ ИЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Фан-техника имкониятларини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда фаннинг аҳамиятини ошириш ҳамда муҳим тадқиқотлар ва инновация жараёнлари кенгайтирилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Илмий-тадқиқот институтларида ва олий ўқув юртларида хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек инновация ишлари 1992-1995 йилларда қўшимча қийматдан солиқ тўлашдан озод қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш юзасидан бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 8 июль.

ХЕЛЬСИНКИ АНЖУМАНИДА

● Финляндия пойтахти — Хельсинки шаҳрида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашуви бўлди.

Учрашувда 51 мамлакатнинг раҳбарлари қатнашдилар. Ванкуверdan Владивостоккача бўлган заминимизда тинчлик, аҳиллик ва тотувликни таъминлашнинг янги халқаро воқеликка мосланган дастурини белгилаб берадиган бу анжуман барчанинг диққат-марказида турди.

Олий даражадаги Умумевропа анжумани илк бор ана шундай таркибда йиғилди. Музокараларда Умумевропа жараёни бошланган пайтдан буён энг кўп қатнашчи ҳозир бўлганлигининг ўзи ёқимлидир. Улар мафкура туфайли муҳолифлашган арбоблар эмас, балки ҳамкорлардир.

Хельсинкидаги олий анжуманда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг бошлиқлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов қатнашди.

Мунозаралар учун қисқа вақт ажратилди. Учрашувда қатнашувчи ҳар бир мамлакат ўз фикрини баён этиб бериши лозим эди. Имзоланадиган ҳужжатлар ҳам катта аҳамиятга молик бўлиши турган гап. Сўнгра навбатдаги ялпи мажлис ўтказилиши мўлжалланган.

Хельсинки учрашуви аҳамиятини қуйидаги далилдан ҳам билса бўлади: дунёдаги 40 та энг катта телекомпания унинг ишини ёритган бўлса, 2 мингга яқин журналист ўз муштарийларига ахборот ёзиш учун бу ерга келган.

(РАТА — ТАСС хабари асосида тайёрланди).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА

● НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

ТОШКЕНТ. «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУҲАРРИРИЯТИГА

Жумҳурият Президенти Фармонига асосан қўшимча қиймат солиғидан озод қилинганлигимиз туфайли 9 миллион сўм даромадга эга бўлдик. Бунинг 70 фоизи меҳнат ҳақи ва мукофот тарзида деҳқонларга улашилди. Қолгани ижтимоий тадбирларга сарфланаяпти. Ана шу маблағдан 30 кишини «Ўзбекистон овози» рўзномасига бепул обуна қилдик. Ҳар қандай шароитда ҳам одилона йўл тутган отахон рўзномамизни бундан кейин ҳам қўллайверамиз.

Сайфулла РЎЗИМУРОДОВ,
Пайариқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқарувнинг раиси, қишлоқ Кенгаши депутати, ХДП аъзоси.

* * *

Президентимиз И. Каримовнинг Фармонига мувофиқ деҳқонлар даромад ва қўшимча қиймат солиғидан озод бўлдилар. Бу тадбир қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, деҳқонларнинг моддий ва турмуш фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Шу кунларда қишлоқ аҳли нарх-наво ошиши туфайли тўхтатиб қўйилган баъзи бир қурилишлар, ҳайрли ишларга яна астойдил киришиб кетдилар.

Президент Фармони шарофати билан ҳисоб-китобларимизга қараганда хўжалигимизга бу йил нақд 10 миллион сўм қўшимча даромад қолади.

Хўш, бу маблағдан қандай фойдаланиш керак? Яқинда ярим йиллик якунларига бағишланган жамоа умумий йиғилишида бу ҳақда келишиб оламиз. Кези келганда шуни айтиш керакки, жамоа хўжалигимизга янги ном бериш масаласи ҳам шу йиғилишда ҳал этиладиган бўлиб турибди. Аммо ҳозирча жамоа бошқаруви аъзолари билан келишдик. Юқорида айтилган даромаддан учта қишлоғимизга табиий газ ва тоза ичимлик сув келтириш керак. Шунингдек, хўжалигимиз ҳудудидаги 26-, 29-ўрта мактабларга қўшимча бинолар қуришга сарфлаймиз.

Бошқарув аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, ўша даромаддан «Ўзбекистон овози» рўзномасига юз нафар илғор ходимларимизни бепул обуна қилишга ҳам қарор қилдик. Зеро, «Ўзбекистон овози» бизнинг суюкли газетамиз, уни қўллаб-қувватлаш зарур.

О. САТТОРОВ,
Фарғона районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқарувнинг раиси.

● Ғалла—ризқ-рўзимиз ●



Булунғур районидаги «Булунғур» давлат хўжалиги ғаллакорлари айни кунларда ўрим-йиғимни тезкорлик билан олиб боришаётир. Шунисси қувончлики, лалми ерларга экилган ғалладан 17—18 центнердан ҳосил олинмоқда. Суғориладиган майдонлардан эса гектар ҳисобига 40-45 центнердан дон йиғиштирилмоқда. Хўжаликда пичан тайёрлаш ҳам авжида. Улар режадаги 600 тонна ўрнига 720 тонна беда пичани тайёрлашди. Суратларда: 1. Илғор комбайнчи Қосим Норматов. У ҳар куни 20 тоннагача дон йиғиштирмоқда. 2. Пичан тайёрловчилардан Тўра Бердиев ва Бахтиёр Раҳимов.

Т. ДАВЛАТОВ олган суратлар.

УНГА МУҲТОЖ БЎЛМАЙМИЗ

РЕПОРТАЖ

● Қамаши районн ғаллазорларида фидокорона меҳнат авжида. Беполён далалардаги олтин бошоқлар енгил шабада оҳиста чайқалади. «Нива», «Енисей» комбайнларини моҳирона бошқараётган механизаторлар ҳосилни тез ва тоза ўриб-янчиб олиш илинжида ғайрат билан тер тўкмоқдалар.

Бу йил ғаллазорларда ҳосил кўп. Пайкални бир айланмасданоқ комбайн бункери сара донга тўлмоқда. Ғалла ортилган карвонлар хирмонларга, омборларга йўл оляпти. Бугунги кунда районнинг қайси хўжалигида бўлманг, шундай манзаранинг гувоҳи бўласиз.

Қўплаб колхоз ва совхозларда янги ҳосилни 15—20 иш кунида йиғиштириб олиш чоралари кўриляпти. «Коммунизм йўли» колхозида ҳар гектар ердан ўртача 29 центнердан ҳосил олиняпти. Бундан ҳам баланд кўрсаткичларга эришганлар бор. «Фарғона» совхозининг Ч. Сангиров бошлиқ ижарачи звеносида гектарига 40 центнердан хирмон кўтарилди. Мавжуд йигирма гектар ердаги ҳосил икки иш кунида янчиб олинди.

Карл Маркс номли давлат хўжалиги меҳнат аҳли ҳам ҳар йили ўн минг тоннадан ғалла етиштириб, дастурхон тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Азамат деҳқонлар бу йил 12 минг 693 гектар лалми ерда арпа-буғдойдан мўл ҳосил етиштирдилар. Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати зое кетмаганлиги омборларга тушаётган сара дондан ҳам кўзга ташланиб турибди. Пайкаллардаги олтин бошоқлар донга тўлиқ. Мавжуд 56 та комбайн серунум ишламоқда. Уларга техника қарови яхши. Шунинг учун ҳам комбайнлар билан кунига уч юз эллик-тўрт юз гектар ердаги ғалла ўриб олиняпти.

Дастлабки натижа ёмон эмас. Ҳар гектар лалми ердан ўртача 20 центнердан ҳосил кўтарилмоқда. Бу йил давлат хўжалигида камида 24 минг тонна дон ўриб янчиб олиш мўлжалланяпти. Бунинг бир қисми уруғликка ажратилади.

Ҳосил ўрим-йиғими райондаги «Марксизм», Ленин номли, Калинин номли колхозлар ва «Наврўз» совхози далаларида ҳам қизғин. Бу ишда пешқадамлик қилаётган «Марксизм» колхозида 11 та комбайн ёрдамида ҳар куни 80—90 гектар ердаги ҳосил саранжомлаб олиняпти. Бу йил дон етиштириш масъулияти пудратчилар зиммасига юклатилган эди. Колхознинг мавжуд тўртта пудратчи бригадаси гектарига ўртача 40—45 центнердан хирмон кўтаряпти. Бу борада Усмон Турдиев, Абдураззоқ Суюнов, Даврон Эсоновлар бошлиқ пудратчи бригадалар эришаётган зафарлар диққатга сазовор.

— Биз ўрим-йиғим олдидан комбайнчилар ўртасида мусобақа ташкил этдик, унинг шартларини ишлаб чиқдик, — дейди колхоз бошқаруви раиси Шойимардон Ҳаитов. — Масалан, 300 гектар ғалланн ўрган комбайнчига тўрт минг сўм пул, бир тонна ғалла, икки тонна сомон, 250 гектар ердаги ҳосилни ўрганга икки минг сўм пул, 800 килограмм ғалла, икки тонна сомон, 200 гектар ердаги ҳосилни ўрганга бир минг сўм пул, 500 килограмм ғалла ва икки тонна сомон мукофот тариқасида бериладиган бўлди. Бу эса комбайнчилар ғайратини оширди. Айниқса, Норқизил Расулов, Эшонқул Жонузоқов, Тожи Иброҳимов, Фармон Жовлиев каби дала гвардиячилари жонбозлик кўрсатишмоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонлар сифатли шудгор қилинмоқда.

— Бундай моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бошқа давлат ва жамоа хўжаликларида ҳам самараси сезилмоқда, — дейди район ҳокими Рашид Бозоров. — Хусусан, кейинги пайтларда республика Президенти Ислом Каримов деҳқонларни, умуман қишлоқ хўжалик ходимларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор беряпти. Айниқса, ғалла харид нархининг оширилиши ҳақидаги фармон ва қарорлар деҳқонларни қувонтирди. Районимиз ғаллакорлари пешона тери эвазига етиштирилган мавжуд 31 минг 522 гектар ердан режадаги 31 минг 560 тонна ўрнига камида олтмиш минг тонна дон етиштиришга аҳд қилдилар. Бу ўтган йилдагидан икки баравар кўп. Шунинг беш минг тоннадан зиёдроғи аҳолига тарқатилади. Жойларда йигирмадан зиёд тегирмон ишлаб турибди. Халқимиз ун маҳсулотига муҳтож бўлмайди.

Шу кунларда колхоз ва совхозларда мавжуд 159 та комбайн юксак унум билан ишлатилаётир. Комбайнлар учун эҳтиёт қисм ва ёқилғи етарли. Улар ёрдамида кунига 800—900 гектар ердаги ҳосил ўриб-янчиб олиняпти. Ҳозирги асосий мақсад етиштирилган мўл ҳосилни қисқа фурсатда йиғиштириб олишдан иборат. Ҳосил нобудгарчилигига қарши курашиш эса қаттиқ назоратда. Интизомни кучайтирганимиз учун ҳам хирмонларимиз салмоғи ошиб бормоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП ҳаётидан

ДЕПУТАТ ҲИСОБ БЕРДИ

● ХДП Оқолтин район кенгашининг ижроия бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ХДП аъзоси, Сирдарё вилоят кенгаши депутати, райондаги Усмон Носир номли давлат хўжалиги директори Маҳмуд Тўхмоқовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялашга доир фармонларини амалга ошириш йўлидаги фаолиятига оид ҳисоботини эшитди ва муҳокама қилди.

УСМОН Носир номли давлат хўжалиги йирик, иқтисодий бақувват, кўптармоқли меҳнат жамоаларидан биридир. Унинг ҳудудида 724 хонадон бўлиб, уларда 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Бу ерда кишиларга имкон борича ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш йўлида кўп ишлар қилиняпти.

М. Тўхмоқовнинг бюро мажлисида таъкидлашича, кейинги йилларда хўжаликда 20 хонадонга янги уй қуриб берилди ва яқин бир ярим-икки йил ичида яна шунча оилага уй қуриб бериш кўзда тутиляпти.

Одамларга хўжалик ҳисобидан уй-жой қуриб бериш билан бир қаторда, хоҳловчиларга шахсий томорқа хўжалиги учун имконият яратилмоқда. Республика Президенти фармонига биноан ўтган йили 156 хўжаликка уй қуриш учун 61 гектар ер ажратиб берилган эди. Бу йил эса яна 102 оилага ана шу мақсаллар учун 46 гектар ер ажратилди, томорқа хўжаликлари учун эса 219 гектар ер бўлиб берилди. Кишиларга уй-жой қуриб олишлари учун 86 мин сўм қарз берилди. Шунингдек одамларга ёғоч, цемент, шифер каби қурилиш материаллари етказиб бериш уларни имкони борича арзонлаштирилган нарҳларга сотиш чоралари кўрилмоқда.

Оболончилик борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, кўпдан йўлларига асфальт ётқизиляпти, боғлар, хиёбонлар кўпайтирилмоқда ва ҳоказо. Хўжалик маъмурияти партия ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб, энг долзарб муаммоларни вақтида ечишга эришяпти. Аҳоли хонадонларини газлаштириш борасида ҳам намунали ишлар қилиняпти. Кейинги бир ярим йилда 58 хонадонга газ ўтказилди.

Депутатнинг фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Ҳисобот вақтида таъкидланишича, ҳозир хўжалик бўйича 15 та деҳқон (фермер) жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Улар ўтган икки йилда 24 тоннадан ортиқ гўшт, 43 тонна сут маҳсулотлари етиштиришди. Айни пайтда ишни янада жонлантириш ва фермер хўжаликларини кенгайтириш чоралари белгиланаётир.

Давлат хўжалигида ишбилармонларга ҳам кенг йўл очиб берилган. Ҳозир бу ерда тегирмон, мойжувоз, турли қурилиш материаллари тайёрлаш цехлари ишлаб турибди.

Ёрдамга мухтож, кам даромадли оилаларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳам алоҳида эътиборда. Хўжалик маъмурияти 407 та кам таъминланган оилага 48 минг сўмдан кўпроқ пул ажратди. 47 нафар ўқитувчи, 8 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва 24 нафар Қаҳрамон онага ўзлари яшаб турган уйлар шахсий мулк қилиб берилди.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ҳимоянинг негизи — энг аввало фидокорона меҳнатдадир. Яхши, баракали меҳнат туфайлигина хўжалик ғазнасини бойитиш ва шу бойлик ҳисобига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал этиш мумкин. Масалага шу жиҳатдан қараганда, бу ердаги натижалар ҳақиқатан ҳам намуналидир. Ўтган йили хўжаликда пахта ҳосилдорлиги 31,7 центнерга етди. Президентнинг пахтакорларга имтиёзлар берувчи қатор фармонлари туфайли ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда умумий даромад 115 миллион сўмдан ошаётир. Шунинг учун ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ойлик иш ҳақларини ошириш борасида кўпгина ишлар қилиняпти. Жумладан ҳозир хўжалик меҳнаткашларининг ўртача ойлик иш ҳақи 6316 сўмданга тўғри келмоқда. Одамларга қўшимча мукофот тариқасида 1,5 миллион сўмдан зиёд пул тарқатилди. Шунингдек ишловчиларга ун, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришнинг қулай йўллари қидириляпти.

ХДП район кенгаши ижроия бюроси халқ нойби ҳисоботини тахлил қилар экан, М. Тўхмоқовнинг ўзи амалга ошираётган ишлар ҳақида мунтазам равишда сайловчиларни хабардар қилиб бораётгани, ҳамиша улар билан энг долзарб масалаларда кенгашиб, маслаҳатлашиб олаётганини ибратли деб баҳолади. Халқимизда маслаҳатли тўй тарқамас, деган нақл бор. Қачонки халқ нойби ўз сайловчилари билан бамаслаҳат иш тутса, улар ҳам ўз вакилларига ҳамиша ишонч кўзи билан қарашлари турган гап.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ҳокимлик тизимидан хатлар

ЭЛ МУРОДИГА ЕТСА...

●Кичик бир баҳона билан кўп нарсани йўқотиш мумкин. Аксинча, кичик бир ҳафсала билан кўп нарсани яратиш ҳам мумкин.

Яқинда менга бир киши савол берди:— сиз район партия қўмитасининг биринчи котиби бўлдингиз, район Кенгаши раиси бўлдингиз. Мана бугун — ҳокимсиз! Шу лавозимларнинг қайси бири кўнглингизга кўпроқ ўтирди, деди. Дастлаб мен гапни ҳазилга йўйдим. «Биринчи» бўлиш ҳамиша яхши, дедим. Лекин, ўша, «биринчи»лик, ҳоҳ у котиб деб аталсин, ҳоҳ раис ёки ҳоким деб аталсин, у халқнинг хизматкори бўлмоғи лозим. Элнинг оғирини енгил қилмоғи лозим.

ИМКОНИЯТ деган нарса бор. Меъёр деган нарса бор. Элнинг оғирини енгил қилмоқ учун биз Узунда—районимизда трактор заводини қурмоқчимиз, нефтни қайта ишлаш корхонасини қурмоқчимиз, деб жар солиш билан иш битмайди. Бугунги кунда «Кўрпангга қараб оёқ узат» деган мақолга амал қилмай кўрингчи... Ҳозирги шароитда ишнинг нақдини ўйламоқ ва бу борада ҳар қанақанги баҳоналарни йиғиштириб қўймоқ керак.

Районимиз, масалан, Тожикистон алюмин заводининг бўсағасида жойлашган. Заводдан чиқаётган фторнинг заҳридан ипак қурти ўлиб кетаяпти, деб қўл қовуштириб ўтириш, гапнинг рости, бургага аччиқ қилиб, кўрпани қуйдириш билан баробардир. Биз бошқача йўл тутиб имконини топдик-да, ипак қурти боқишни тўхтатмадик. Бу йил 100 тонна пилла етиштирдик.

Ёки, ем камайиб кетди, деб чўчқачиликни, паррандачиликни йўқотиш пайига тушганлар ҳам бўлди. Бу соҳада районимизда бир қатор «ютуқлар» ҳам қўлга киритилди. Ҳокимият бу йўл нотўғри, деган хулосага келди. «Агар ҳар бир хўжаликда қами билан мингтадан товуқ боқилмас экан, хўжалик раҳбари мансаб курсисини бўшатаверсин», деди. Ҳозир, ҳатто, ҳар бир бригадада балиқчилик хўжалигини йўлга қўйиш учун иш қилинаяпти.

Шу ўринда мен «котиблик яхшимиди, ҳокимликми?» деган саволга қисман жавоб бераман. Котиблик давримизда эс-ҳушимиз давлат режасини бажариш билан банд бўлган. Бюро мажлисларимиз нуқул ишлаб чиқаришга тегишли маълумотларни муҳокама қилмоқ билан ўтарди. Ўша пайтлар истеъмол бозорининг давлат томонидан тўлиқ таъминлаб турилиши қуйи бўғиндаги раҳбарларга бир қадар енгилликлар берарди ва бундай шароитда давлат буюртмасини бажариш учун курашмоқ фарз эди.

Бугунги ҳокимият тизимининг йўриғи бошқачароқ. Бугун давлат таъминотининг пачаваси чиқиб турган шароитда савдо ташкилотининг бошлиғини чақириб олиб, нега фалон қишлоқнинг дўконига совун, макарон элтиб бермаяпсан, деб сиёсат қилганинг билан иш битмайди. Районимиз аҳоличси 100 минг кишидан иборат. Одамлар бугунги қийинчиликларни сезиб, билиб туришибди. Одамларимиз сабр-тоқатли, оқибатли. Бунинг учун уларга минг таъзим қилсак-да, оз. Лекин, раҳбарнинг иши қуллуқ қилишдан, таъзим қилишдан, элнинг меҳр-оқибатли эканлигини мақтаб ўтиришдан иборат эмас. Бир жойда етти киши ўтирса, шундан биттаси авлиёдир, деган гап бор. Бу, албатта, кўпдан, элдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, дегани. Раҳбарнинг, айниқса у «биринчи» бўлса, ҳар бир иши элнинг кўз олдида туради. Ва эл ёлғончи, «манфаатпараст раҳбарга, бугуним ўтса бўлди, эртага — худо пошшо» деб ўзининг тинчини ўйлайдиган раҳбарга ҳеч қачон оқибат кўрсатмайди. Турли баҳоналарни рўкач қилиб элни қийинчиликлар гирдобига ташлаб қўядиган ёки эртага ҳаммаси яхши бўлади, деб элни ёлғон гаплар билан овутишни иш деб биладиган раҳбар — раҳбар эмас. Раҳбарнинг раҳбарлиги элни қийинчиликлар қўршовидан чиқара ола биладими ёки йўқми—мана шунда билинади. Мен, қийинчиликлар қўршовидан чиқиш учун дон етиштиришни кўпайтираяпмиз, ҳар бир хўжаликда 10 гектарлик иссиқхоналар қураяпмиз, пилла толасини йигирадиган корхона қурамиз, калиш заводини, ҳатто, қанд заводини қурмоқни мўлжаллаяпмиз, деб подадан олдин чанг чиқармоқчи эмасман. Лекин бир нарсани айтаман: ишларимиз юришиб бормоқда. Одамларга зўғум қилиш керак эмас. Уларга бир нарса — одиллик, адолат керак. Ипни тўғри тортиш тизими зарур. Одамларга меҳнатига ёки қилмишига яраша муносабат билдирадиган мезон керак.

Ишни худди шу йўриққа туширириб олиш осон бўлаётгани йўқ. Одамларимиз, тўғриси, савдо ташкилотлари ва қонунни ҳимоя қилиш идораларининг ишидан ҳануз норози. Адолатнинг, ҳақиқатнинг қарор топишига шубҳа билдирувчилар ҳам оз эмас, соғлиқни сақлаш, умум таълим соҳаларидаги муаммолар юки оғир. Бу муаммоларга ечим топишнинг энг осон йўли, юқорида таъкидлаганимдай битта — ипни тўғри тортиш. Ип тўғри тортилмас экан, баҳоналарга қул бўлиб ўтирар эканмиз, қийинчиликлар қўршовида қолаверамиз.

Одамлар эртанги кунни соғиниб яшайдилар.

Эртанги кунни кўра биладиган раҳбарлари бор элни эса худо суйган эл, дейдилар.

Э. САФАРОВ,
Узун райони ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

Халқ Демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаати асосида партия ташкилотларининг вазифалари ҳамда ХДП аъзоларига янги партия билетларини топшириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

— Жумҳурият Олий кенгашининг Мурожаати партиямизнинг мақсадига айнан мос келади, — деди вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Халқ нойби С. Нишонов. — Биз ана шу муштаракликдан оқилона фойдаланишимиз зарур. Чунки халқ бизнинг йўлимиз тўғри эканлигини билиб турибди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари партия билетларини топшириш маросимини уюшқоқлик билан ва юксак савияда ўтказиш чораларини белгиладилар. Маълумки, бугунга қадар партия кенгашлари ўз молмулкларини аниқлаш, аппаратларни мустаҳкамлаш, молиявий аҳволни яхшилаш билан шуғулланиб бошланғич ташкилотларга эътиборни сусайтириб юборган эдилар. Шунинг учун ҳам янги билетларни топшириш жараёнида бошланғич ташкилотлар фаолиятини яна бир бор кўздан кечириш ҳамда уни кучайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Семинар-кенгашда вилоят партия кенгаши иккинчи котиби Ш. Ғиёсов, кенгаш котиби Б. Шермуҳамедов, ишлар бошқарувчиси Ў. Турсуновларнинг маърузалари тингланди.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕСТ—СИНОВДАН ЧЎЧИМАНГ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ мустақилликка эришиши оламшумул воқеа бўлди, бу халқимиз асрлар бўйи кутган эзгу орзу эди. Эндиги вазифа республикамизни иқтисодий қийинчиликлардан чиқариш ва уни келажакда мустақил, фаровон мамлакатга айлантиришдан иборат. Бундай масъулиятли вазифани амалга оширишда зиёлилар зиммасига катта масъулият тушади. Шу боисдан ҳам республика раҳбарияти томонидан бу соҳада бирмунча ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, вилоятларда университетлар, институтлар ва уларнинг филиаллари ташкил топяпти, республика Олий Кенгашининг X сессиясида таълим тўғрисида Қонун қабул қилинди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг сафи кенгайиши билан бир қаторда, мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтариш масаласига ҳам катта эътибор берилаётир. Бу соҳада дунё стандартига муносиб тажрибага эга бўлган олий ўқув юртлари услубини ўрганиш ҳамда ҳаётимизга татбиқ қилиш соҳасида ҳам бирмунча ишлар олиб борилаётир. Масалан, Тошкент автомобиль-йўллар институти кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ниятида янги ўқув йилидан бошлаб икки босқичли мутахассислар тайёрлашга ўтиш тараддудидадир. Бундан буён институт бакалавр ва магистр тайёрлашга киришаётир, яъни беш йил ўрнига тўрт йиллик муддат ичида бакалавр-муҳандис тайёрлаш ҳамда ундан кейин икки йил муддат ичида магистр — илмий ишлар соҳасида ишлаш учун кадрлар тайёрлашга ўтилмоқда.

Албатта ўқиш муддатини бир йилга қисқартириш билан мутахассислар тайёрлаш сифати ўзгариши қийин. Бу муаммони ҳал қилишда энг асосий гап институтларга билимли, иқтидорли ёшларни қабул қилиш ҳамда қабул тизимини тубдан ўзгартириш масаласига ҳам боғлиқдир. Дарҳақиқат, олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари анча эскириб қолди, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Шу мақсадда чет давлатларнинг бу соҳада эришган тажрибаларини ўрганиб, улар ичида тест усулини маъқул топиб, шу йўсинда ёшлар ичидан танлаб, билимдон, ақл-идрокли, талантли ва ўқимишлиларни институтга жалб қилинса, шундагина муҳандислар тайёрлаш сифатини ошириш мумкин.

Маълумки, Тошкент автомобиль-йўллар институти жумҳуриятимиз иқтисодининг энг асосий тармоқларидан бўлмиш автомобиль транспорти ва йўллар хўжалиги соҳасида ишлаш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. Янги ўқув йилидан бошлаб бир йилга қисқартирилган муддатда, яъни беш йил ўрнига тўрт йилда институтнинг кундузги бўлимларида олий маълумотли бакалавр-муҳандислар тайёрланади. Институт автомобиль хўжалиги, автомобиль транспорти иқтисодиёти ва улардан унумли фойдаланиш ҳамда автомобиль йўлларини қуриш соҳалари бўйича ва бозор иқтисоди талабига кўра менежер ва маркетингчилар каби юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. Ҳозирги кунларда йигит ва қизлар олий билимгоҳга кириб ўқиш учун аризалар топширмоқдалар.

Президентимизнинг шу йил 11 март куни чиқарган Фармонига асосан бир неча институтлар қаторида Тошкент автомобиль-йўллар институтида ҳам тажриба сифатида кундузги факультетларга талабалар тест усулида қабул қилинади. Абитуриентларга қулайлик туғдириш мақсадида фақат бир кунда, яъни 5 август куни синов ўтказилади.

Илгариги имтиҳонлардан бу йилги синовнинг фарқи шундаки, агар олдинги имтиҳонлар баҳо қўйиш асосида ўтказилган бўлса, энди унинг ўрнига қўйиладиган балл орқали абитуриентларнинг билими аниқланади ва бу балларнинг энг кўп сони 315 ни ташкил этиши мумкин. Белгиланган режага кўра кўп балл олган абитуриент институтга қабул қилинади. Бизнинг институтда синовлар математикадан, табиий фанлардан, она тили ва адабиётидан ўзбек ёки рус тилларида ўтказилади.

Тест-синовнинг имтиҳонлардан фарқи унинг кўп балли бўлишидир. Бу эса ёшларнинг кўпроқ саволларга жавоб бериши имконини яратади. Шуни айтиш керакки, ўрта мактаб дастурини тўла-тўкис ифода қилиш учун абитуриентларга кўпроқ савол берилса қулайлик туғилади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир фандан илгаригидек учтадан қийин саволлар эмас, балки элликтадан саволлар бўлиб, уларда оддийларидан бошлаб ўртача ва мураккаб саволлар аралаш бўлади. Абитуриентларга энг қулайлиги шуки, кўп бўлса ҳам ҳар хил даражадаги саволларнинг ҳар бири ёнида бештадан жавоблар келтирилган бўлади. Фақат уларнинг қайси бири тўғрилигини абитуриент белгилаб қўйиши кифоя қилади.

Бундан ташқари, илгари бўлганидан кўп қоғозларга икки-уч соатлаб тенгламанинг ечилишини ифодалаш ўрнига, фақатгина кўрсатилган беш жавобдан бирининг тўғрисини билса, яъни тўғрисини бошидан охиригача ифодалаб эмас, балки фақатгина қалам билан белгиласа бас. Шуни ҳам айтиш зарурки, абитуриентлар ичидан қайси фандан бўлишидан қатъи назар, 150 баллдан ортиқ баҳоланган билим эгалари ажратиб олинади ва улар конкурсда қатнашадилар.

Синов институтнинг йўналишига тегишли асосий фанлардан олинади. Муҳандислар тайёрлайдиган олий билимгоҳлар учун математика энг масъул фан бўлгани сабабли синовда унга алоҳида аҳамият берилишини кўзлаб, ҳар бир тўғри топилган жавоб учун 3,1 балл билан, табиий (физика, химия ва биология) фанлари бўйича, 2,1 балл ва ниҳоят она тили ва адабиёти бўйича — 1,1 балл билан ёшларнинг билимлари баҳоланади. Шунинг учун ҳам агар математиканинг ҳамма саволига 250 жавоб ичидан тўғриларини топиб белгиланса, ҳаммаси бўлиб 155 балл олиш мумкин, табиий фанлар бўйича — 105 балл, она тилидан эса — 55 балл. Қўйилган 150 та саволга тўғри жавоблар топилса, абитуриент жами бўлиб 315 балл олиши мумкин.

Бу усул янгилигини ҳисобга олиб ва айниқса ўрта мактаб битирувчилари тест усулидан яхши тушунчага эга бўлмаганликларини ҳам ўйлаб, институт раҳбарияти томонидан ёшларга барча шароитларни яратиш, имтиҳон фанларидан ҳар куни консультация ўтказиш кўзда тутилаётир. Шунингдек, абитуриентлар ўз ихтиёрлари билан билимларини текшириш мақсадида электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиб, синовга мустақил тайёрланишлари мумкин.

Ҳар бир абитуриентга уч фан туркумидан 150 саволга 750 жавоб ичидан белгиланганларини ҳисоблаш учун кўп вақт кетишини инобатга олиб, бу масъулиятли вазифани одилона ҳал қилиш мақсадида синов вақтида тарқатилган варақалардаги абитуриентлар белгилаган жавоблари билан марказга олиб кетиб у ерда электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида тезроқ ҳисоблаб чиқиш кўзда тутилган. Бунда ҳар бир абитуриент билими одилона баҳоланади.

Тест усули билан ўқишга кириш ғоят мураккаб бўлиб, имтиҳонни фақатгина электрон ҳисоблаш машиналари олар эмиш, деган гаплар мавжуд. Бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Аслида синов даврида аудиторияда синов олишни ташкил қилиш марказининг вакилидан бошқа ҳеч ким бўлмайди. Фақатгина саволларга тайёр жавобларнинг тўғрисини абитуриент қалам билан белгиласа бас, шунинг ўзи синов ҳисобланади.

Айрим вилоятларда Тошкент олий ўқув юртлари фақат Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ёшларни ўқишга қабул қилармиш деган гаплар тарқалган. Бу гаплар асоссиздир. Тошкент автомобиль-йўллар институти ўз бағрига жумҳуриятимиз вилоятларидан, районларидан ихлос қилиб келаётган ёшларни сабрсизлик билан кутмоқда, чунки улар келажакда олий маълумотли мутахассис, яъни муҳандис бўлиб ўз юртларига бориб, ҳамшаҳарлари, ҳамқишлоқларига хизмат қилишлари керак. Шунинг учун ҳам олий билимгоҳга қабул қилинадиган талабалар ичида вилоятлардан келган ёшлар аксариятни ташкил этмоғи лозим.

С. ПЎЛАТОВ
Тошкент автомобиль-йўллар институти ректори, Ўзбекистон Республикаси халқ нойби.

• ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

БОШ КОТИБНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● Собиқ Югославиядаги аҳвол ҳамон танг бўлиб турибди. Айниқса, Белград шаҳрида осойишталик тез-тез бузилаётир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос Гали шу муносабат билан ўз фикрини айтди. Котибнинг таъкидлашича, башарти собиқ Югославиядаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш соҳасидаги барча сайъи-ҳаракатлар наф бермаса, ҳарбий куч ишлатишнинг ҳам эҳтимоли бор.

ЖАЗОИРНИНГ ЯНГИ БОШ ВАЗИРИ

● Белоид Абдуссалом Жазоирнинг янги бош вазири этиб тайинланди.

Маълумки, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг аввалги ҳукумати Олий Давлат Кенгашининг Раиси М. Будиаф ўлдирилганидан сўнг 10 кун ўтгач ва Али Кафи янги раис этиб сайланганидан сўнг истеъфога чиққан эди. Янги вазир 64 ёшда.

ВОСИТАЧИЛАР КЕРАК ЭМАС

● Афғонистон Ислом давлатининг янги бош вазири Абдул Сабул Фарид олий ҳукумат мансабдорлари учун берилган зиёфатда нутқ сўзлади.

Бош вазир афғонлар ўртасидаги зиддиятни тинчитишда минтақадаги бир қанча давлатларнинг раҳбарлари воситачи бўлишларини рад қилди. У айни чоғда мужоҳидларнинг турли гуруҳларини ўз ўрталаридаги зиддиятларни ҳал этишда якдил бўлиб ҳамкорлик қилишга даъват этди.

ДИПЛОМАТ ТОПИЛДИ

● Ҳиндистон полицияси Деҳлида йўқолиб қолган Россия дипломатини топди.

Россия элчихонасининг биринчи котиби Александр Ганич 6 июль куни йўқолиб қолган эди. Уни излашга тушилди. Аввал дипломатик номерли унинг машинаси топилди, кейинчалик эса А. Ганичнинг ўзи топилди. У Ҳиндистон пойтахтидан 500 километр наридаги Ахар қишлоғида яшовчи бир кишининг уйида турган эди. Маълумотларга қараганда дипломатга нисбатан куч ишлатилмаган, қишлоққа унинг ўзи келган.

«КОЛУМБИЯ» ОНА ЗАМИНДА

● АҚШнинг «Колумбия» космик кемаси ерга қўнди.

Кема ичида 7 астронавт — 5 нафар эркак, 2 нафар аёл ишлади. Бу кема билан узоқ муддат училиб, ўзига хос рекорд қўйилди. Кема Канаверал кўрфазидаги космодромга эсон-омон қўнди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСАМЁДИ

● Австрия парламентининг Венадаги залида Миллий Кенгашнинг тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Янги президент қасамёд қилдирилди.

Австриянинг янги президенти Томас Клестил 59 ёшда. Қатор йиллар мобайнида у хорижий элларда дипломатик хизматда бўлган.

Президент йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади. Ташқи сиёсат масалаларида янгича изланишлар ишлаб чиқиш лозимлигини тилга олиб, бу ўринда мамлакатнинг мустақиллиги, унинг ривожланиши масалалари ҳусусида ўз қарашларини баён этди.

МУТЛАҚО ФАРҚ ҚИЛАДИ

● Шу йил 2 июль куни АҚШда «Скаут» ракетаси ёрдамида Американинг «Сампекс» тадқиқот йўлдоши учирилган эди.

Орадан 15 минут ўтгач, йўлдош белгиланган орбитага чиқди. Унинг Ердан олислиги 550—674 километрдир. Янги космик йўлдош тежамли ишлаши ва ихчамлиги жиҳатидан аввалгилардан мутлақо фарқ қиладиган туркумга мансубдир.

Бу йўлдош уч йилдан беш йилгача коинотда ишлайди. У Қуёш нурлари, космик зарралар, Ер атмосфераси, сайёраларо булутлар ва бошқа муҳим объектлар соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

• Ҳаракатда—баракат

ЭСКИСИ ЯХШИМИ Ё ЯНГИСИ?

ЕШУЛЛИНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, КАДРЛАРНИНГ ЧИНИҚҚАНИ ВА УСКУНАЛАРНИНГ СОЗИ ЯХШИ!

Ташкилотчилик услубларидан яхши фойдалана билган раҳбар қийин шароитда ҳам корхонанинг бетиним ишлашини таъминлайди. Бундай раҳбар ишчиларни юмуш билан тўла банд этади, ҳеч қачон штатларни қисқартириш ёки ҳом ашё етишмайди, деган сабабларни рўкач қилмайди.

Шу тоифадаги раҳбарларнинг яна бир ҳислати: фақат корхонанинг ўзидан келиб тушаётган фойда билан қаноатланмаслиги. Улар кичик корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар ҳам ташкил этиб қўшимча даромад олиш пайида бўладилар, муҳандис-техник ходимларнинг ижтимоий турмушини яхшилаб боришга биринчи галдаги вазифа деб қарайдилар.

Хўжайли шаҳридаги ёғ заводи директори Матниёз Рейимбоев — худди шундай раҳбарлардан бири. Завод жамоаси илғор технологияга қатъий амал қилиб, эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажармоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш режаси зиёда бажарилди. Режадан зиёд 1 миллион 561 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари ошириб адо этилмоқда.

— Заводимиздаги асосий асбоб-ускуналарнинг ҳаммаси эскирган, — деди ёғ заводи директори Матниёз Рейимбоев. — Эскиларини алмаштириш мақсадида Германиядан 5 та янги пресс агрегатлари сотиб олдик. Шундан 3 та пресс алмаштириб қўйилди. Бу йил капитал ремонтга тўхтаган пайтимизда қолган машиналарни ҳам янгиси билан алмаштирамиз.

Корхона шунинг ўзидан катта самара оладиган бўлади. Илгари заводимиз эски асбоб-ускуналар билан ишлаган даврида 8—8,5 фоиз миқдордаги пахта ёғи қунжараларда қолиб кетарди. Ускуналарни алмаштиришимиздан кейин ҳар 100 килограмм қунжарадан қўшимча 2,5—3 фоиз пахта ёғи олишга эришилмоқда. Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида бир неча ёрдамчи хўжаликлар, кичик корхоналар ташкил этилди.

Корхона маъмурияти Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти, касаба уюшмаси, меҳнат жамоаси кенгаши билан ҳамкорликда заводдаги ходимларни қисқартирмасдан, уларни узлуксиз иш билан таъминлашнинг энг қулай усулларидан кенг фойдаланмоқда. Бу ерда Е. Ким раҳбарлигида кир совун ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Цехда ҳар 2 кунда 500 килограмм кир совун ишлаб чиқарилиб, муттасил савдо корхоналарига юборилмоқда.

А. Зинелов бошлиқ қурилиш бригадасида 10 киши ишламоқда. Ҳозирги тақчил пайтда кичик қурилишларни пахса devordan тиклаб олишмоқда. Шу тариқа объектлар давлат режалаштирганидан анча арзонга тушмоқда. Заводдаги капитал ва жорий ремонт ишларини, шунингдек кам даромадли оилаларнинг уйлари, хўжалик биноларини ҳам шу бригада қурувчилари ремонт қилиб бермоқда.

Икки йилдан бери заводда чорвачилик ёрдамчи хўжалиги ишлаб турибди. 40 бош қорамоли бор. Шундан 15 таси соғин сигир. Соғиб олинаётган сут асосан ишчиларга арзон баҳода сотилмоқда. Одамларнинг саломатлигига зарар келтирадиган цехларда ишлаётган ишчиларга, муҳандис-техникларга эса сут бепул берилмоқда. Қорамолларни озуқа билан таъминлаш мақсадида 10 гектар майдонга беда, маккажўхори каби озуқабоп экинлар экилган.

Бу йил «Қумжиққин» жамоа хўжалигидан 25 гектар ер олиб чигит экилди. Унга Б. Абдуллаев раҳбарлик қилмоқда. Майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта, 10 гектар майдондаги дон учун экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун парвариш кучайтириб юборилди.

Корхонада ишдан бўшаб қолган ходимларни иш билан таъминлаш йўли қарор топмоқда. Жумладан, ёрдамчи хўжалик ва кичик корхоналар очиш яхши натижа бермоқда. Бу йил ёрдамчи хўжаликлар ва кичик корхоналардан камида 300 минг сўм соф фойда олиш кўзда тутилган.

Жамоа аъзолари ҳамма участкаларда шунга яраша баракали меҳнат қилмоқдалар. Шундай йўллар билан ишчилар, муҳандис-техникларнинг ойлик иш ҳақларини ошириб бориш чора-тадбирлари амалга ошириляпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

13 – 19 июль

• 13, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Сахий эртак». Мультфильм. 18.25 Болалар учун концерт. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Шеърият дафтаридан». Зоҳиджон Обидов. 19.35 «Элга хизмат — олий ҳиммат». 20.05 «Фитрат». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Изро Малаков куйлайди. 22.15 «Сени излаб». Бадиий фильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими», бугун ва эртага». Бевосита мулоқот. 20.55 «Миришкорлар». 21.10 «Билиб қўйган яхши». 21.25 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар». 22.10 «Лаҳза». Хабарлар. 22.20 «Мардимайдон». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Буюк ипак йўли». Телевизион ҳужжатли фильм. 8.40 «Уя». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Ҳордиқ чиқаринг». 14.40 «Куйлаётган Россия». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.45 «Кўп овоз — дунё битта». Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. 15.55 Мультфильм. 16.15 Белоруссия болалар бадиий ҳаваскорларининг чиқиши.

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «НЭП». 17.50 Футбол шарҳи. 18.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қора монах». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Спорт УИҚ-ЭНДИ». 20.40 «Янги студия» таништиради. 00.10 «Тунги жаз».

• 14, сешанба

ЎзТВ I

17.20 Янгиликлар. 17.30 Футбол. Халқаро ўртоқлик учрашуви. «Пахтакор-79» АФҚ (Ўзбекистон) — «Алилуя» (Жанубий Корея). Меҳнат резервлари» ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 19.15 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.30 Саховат». 20.00 Санъат усталари концерти. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30. «Аёл қадри». Публицистик кўрсатув. 22.30 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Суҳбатга таклиф этамиз». 19.20 «Алоқалар ва шартномалар». 19.50 Мусиқали меҳмонхона». 20.20 «Бурда-Моден намойиш этади»... 21.20 Эълонлар. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм премьераси. 9.05 «Гидронавтлар». Ҳужжатли фильм. 9.25 Мультфильм. 9.35 «Қора монах». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 Телевизион ҳужжатли фильм. 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Ольга Иванова сабоқлари». 14.40 «Куйлаётган Россия». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.55 Болалар учун фильм. «Мен қандай қилиб Вундеркинд бўлдим». 1-серия.

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади. 17.50 К. Керер ижросида Ф. Шопен асарларидан концерт. 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Уй». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.05 «Беш халқа». 21.35 «Олтиннинг ўғирланиши». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 22.40 Эдуард Трескин куйлайди.

23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Видеодром». 00.10 «Яхши». «Доктор Ватсон» Шоу-гуруҳи иштирокида фильм. 00.40 «Ҳинд киноси шинавандалари учун». Киноконцерт.

• 15, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Қалдирғоч». Фильм-концерт. 7.55 «Ғариб чоллар». Бадиий фильм. 9.30 Араб тили. 10.00 «Сув кетар — тош қолар». Телефильм.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Тўстўполон». Мультфильм. 18.25 Болалар учун. «Қўғирчоқлар—менинг дўстларим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тилга зътибор»... 20.00 «Волиданги рози қил». Абдулхай Каримов куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Олтин бешик». Фарғона вилоятига бағишланади. 22.10 «Экран таништиради». 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 20.10 «Шарқ лирикаси». Рудакий. 20.30 Ўзбекистон бастакорлари». Собир Каримҳожи. 21.10 «Алёшанинг севгиси». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 10.10 Телевизион ҳужжатли фильм. 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Мультфильмлар. 14.50 «Баҳона». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.55 «Мен қандай қилиб Вундеркинд бўлдим». 2-серия.

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади. 17.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 18.45 «Сочи ҳақида ўйлар». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 «Уй». Бадиий фильм». 2-серия. 20.50 «Қора қути». 21.30 «Нунциийнинг визити». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 22.40 Ҳужжатли фильм. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Лимпопо». 00.10 Москва камер хорининг концерти. 01.10 «Баҳона». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

• 16, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Истеъдод». И. Жониева, Ш. Парпиева. 8.05 «Самолёт қайтарилди». Бадиий фильм. 9.25 Турк тили.

16.50 Янгиликлар. 17.00 Футбол. Осиё кубоги. Қозоғистон — Ўзбекистон терма жамоалари учрашуви. Олма-Отадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида Телефильм. 18.50 «Қўшиқ». Мультфильм. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 Дутор ва танбур тароналари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари». 21.30 «Саҳна усталари». Олимжон Салимов. 22.30 «Ёш аёл учун эртак». Бадиий фильм. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Билим сарчашмалари». 19.35 «Дўстларимиз даврасида». Муаллифлик қўшиғи. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Эълонлар. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 9.50 Мультфильмлар. 10.25 Ҳужжатли фильм. «Эртага кун яхши бўлади». 11.00 Янгиликлар.

* * *

13.00 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда...» 14.55 «Бу бўлган, бўлганди...» 15.15 «Баҳона». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

• 17, жума

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Бастакор Мухторжон Муртазоев». Телефильм. 8.00 «Беайб». Бадиий фильм. 9.25 «Биргаликда куйлаймиз».

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қўшнилар». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Мурувват». Пенсионерларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида. 19.45 «Деҳқон ва замин». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Суюнчи». Бадиий фильм. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 9.05 Ҳужжатли фильм. 10.00 Мультфильмлар. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

* * *

13.10 Кўрсатувлар тартиби. 13.15 «Бридж». 13.40 «Бизнес-класс». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Қўшиқ шинавандасига совға». 14.55 «Биринчи муҳаббат». Бадиий фильм. 16.10 «Уимблдон турнири тарихи».

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 «Инсон ва қонун». 17.50 «Қора гўзаллик саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 18.15 «ТВ-Нева: «Ким биз билан». 18.35 «Крешендо». 18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар».

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.35 «Аргентин тангоси ҳақида». 21.00 Футбол. Россия чемпионати. ЦСКА — «Динамо» (Москва). 21.45 «ВИД» таништиради: «Ҳордиқ чиқаринг», «Х кўрсатуви». Танаффус пайтида — 23.00 Янгиликлар. 00.40 «Биринчи муҳаббат». Бадиий фильм. 01.55 Телевизион ҳужжатли фильм-премьераси.

• 18, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

8.00 «Ҳамма гап акамда». Бадиий фильм. 9.15 «Ўзбекистон спорти». 9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим» 10.30 «Ҳужжатли экран». 11.20 «Қизил яримой шўъласи». 11.50 «Чорраҳа». 12.20 «Эл хизматида». 12.40 «Китоб ва ҳаёт». 13.15 Тижорат канали: «Саноатимиз одимлари». 13.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол».

* * *

18.00 «Рекс ва такса». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 19.55 «Рақслар гулдастаси». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Телевизион новеллалар театри. Саида Зуннунова. «Қайноналар». 21.40 «Ноқулай одам». Бадиий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 «Спорт ҳамма учун». 8.10 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 6-серия. 8.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 8.55 «Труба» радиоси. 9.35 «Марказ». 10.05 «Саломатлик сен учун». 10.45 «ЭХ». Экологик хроника. 11.00 «Фортун ғилдираги». Қизиқарли кўрсатув. 12.30 «Немислар иккинчи жаҳон урушида». Ҳужжатли фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Оқ фурғон изидан». Бадиий фильм. 15.30 «Ҳайвонот оламида». 16.30 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.55 «Рақслар, рақслар, рақслар». 17.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Зигфельд қизи». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

* * *

20.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Брейн ринг». 21.20 «Рампа томон йўл». «Табассум билан». 21.40 «Пен клуб». Ёзувчиларнинг телевизион учрашуви. 22.40 «Орлов ёдгорликлари» дастасининг чиқиши. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Белоруссия мусаввирларининг XIX аср кўргазмалари ҳақида. 24.00 «Славян бозори». Халқаро мусиқий фестивалининг очилиши.

• 19, якшанба

ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

8.00 «Финист — Сарлочин». Бадиий фильм. 9.15 Тижорат канали: «Етти юлдуз». 9.25 «Яшил чироқ». 10.05 «Ижод саҳифалари». Оқилжон Ҳусанов. 10.55 «Юлдуз» шўъласи». 11.30 «Экология». Телевизион альманах. 12.10 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас» (қозоқ тилида). 13.10 «Бозор иқтисодиёти йўлида». Хива бадиий буюмлар фабрикаси иш фаолиятидан. 13.30 Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Ким тўғри». Маннон Уйғур номидаги Санъат институти битирувчилари ижросида мусиқий томоша.

* * *

18.00 Болалар учун. «Кичкинтой» устахонаси. 18.20 «Мультипанорама». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ижодкор ҳаётига бир назар». Кинокўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Марҳабо, талантлар!» Республика бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Қашқадарё вилояти. 22.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Илонлар Водийсининг касофати». Бадиий фильм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.20 Кўрсатувлар тартиби. 5.25 «Руҳни чиниқтириш». 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Спортлото тиражи. 7.45 «Чашмалар». 8.15 «Эрта саҳарлаб». 8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.25 «Тонг юлдузи». 10.15 «Ўз-ўзингга ёрдам бер». 10.45 «Камалак». 11.20 Мультфильм. 11.30 «Марафон-15». 12.10 «Устога бағишлаб». 13.00 «КТВ-1». 13.30 «Марк ва Софи». Бадиий фильм. 8-фильм. 13.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари».

14.00 Янгиликлар. 14.15 «Уолт Дисней таништиради». 15.05 «Саёҳатчилар клуби». 15.55 «Телелоция». 16.20 «Баҳс». 17.00 . «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Фестивалар, фестивалар». 18.40 «Қуролсиз инспектор». Бадиий фильм. 20.00 Футбол. Россия чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Спартак» (Москва). 2-тайм. 20.50 Катталар учун мультфильм. 21.00 «Якунлар».

«Ўзбекистон овози» газетасининг

ЖАРЧИНОМАСИ

Жамғарма банки

ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Ўзбекистон Жамғарма банки республика аҳолисига ҳисоб чеклари ва чек дафтарчаларидан тобора кенг фойдаланишни тавсия этиб, улар ҳисоб-китоб қилишнинг қулай ҳамда энг мақбул усуллари эканлигини таъкидлайди.

Бу Сизни кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишидан халос этади.

Ҳисоб чеклари ва чек дафтарчаларидаги чеклар орқали сотиб олинган ҳар қандай буюм ёки кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб қилишингиз, темир йўл, хаво транспортининг кира ҳақини, юк ташиш ҳақини тўлашингиз мумкин.

Агар сизга нақд пул керак бўлиб қолса, республика Жамғарма банкининг исталган муассасасида чекларингизни алмаштириб олиш ҳуқуқига эгасиз.

Мабодо ҳисоб чекини ёки чек дафтарчасини йўқотиб қўйсангиз, унчалик азият чекмасангиз ҳам бўлади. Чунки Сиз нақд пулни эмас, балки унинг урнини босувчи қоғозларни йўқотган бўласиз.

Нақд пулни сақлаш билан боғлиқ қийинчилик ва ташвишларни бемалол жамғарма банки зиммасига юклашингиз мумкин. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб замонавий кишининг иш услубидир.

Ўзбекистон Жамғарма банки

КВАРТЕТ

ИНВЕСТИЦИОН КОМПАНИЯСИ

эркин кредит ресурсларини банк ёки суғурта компаниялари кафолати билан қабул қилади (кредитларнинг қиймати ва муддатига қараб).

БОЗОР КУРСЛАРИДА

Ташкилотлар ва алоҳида шахслардан нақд ҳамда пул ўтказиш йўли билан валюта сотиб олади.

БИЗНИНГ ИККИНЧИ НОМИМИЗ - КАФОЛАТДИР!

Телефонларимиз: (095) 902-27-63, 593-62-13. Тел\Фах (095) 2154906.

КВАРТЕТ

САВДО УЙИ

ЭРКИН МУОМИЛАДАГИ ВАЛЮТА ВА СЎМЛАРГА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ.

Оргтехника: "Olivetti ETP55" ёзув машиналари; "Canon", "Olivetti" кўчириш аппаратлари; шахсий компьютерлар; алоқа жиҳозлари (Ўзбекистонга 30 донадан кам бўлмаган партия жўнатилади); "Sledgers" (Франция) юқори сифатли пойабзаллар; чет элда тайёрланган хона мебеллари.

Автомобиллар: "КамАЗ", "ЗИЛ", ГАЗ "Волга" 2410,2412,31029; ВАЗ "Жигули" 2103, 21099; "Нива-2121"; "УАЗ" 31512, 3741, 3303; "Москвич-21415"; "РАФ-2203" кичик автобуси.

Бизнинг телефонларимиз: (095) 215-49-06, 902-27-63, 593-62-13

ИШБИЛАРМОН ҲАМКОРЛАРГА ҒАРБ ФИРМАЛАРИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚИСКА МУДДАТЛАРДА СУМЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ.

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕРМИЗ

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ, КООПЕРАТИВЛАР, КИЧИК КОРХОНАЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Давлат газлаштириш лойиҳа-қидирув илмгоҳи «Ўзгазлойиҳа» Ўзбекистон Республикаси ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ҳудудларидаги корхона, ташкилот, давлат, жамоа хўжаликлари ва аҳолига қуйидаги соҳаларда ўз хизматини таклиф этади:

1. Шаҳар, қишлоқ ва маиший хизмат корхоналарини газлаштириш тармоқларини лойиҳалаш.
2. Шахсий уй, дала уй биноларинн буюртмачи дидига ва истагига монанд бўлган шаклда лойиҳасини тайёрлаш.
3. Шахсий уй, дала уйларини иситиш, электр ва сув билан таъминлаш тармоқларини лойиҳалаш.
4. Қозонхоналарни кўмир ва бошқа ёнилғилардан газ ёнилғисига ўтказишни лойиҳалаш.
5. Саноат, қишлоқ, коммунал ва уй-жой хўжалиги иншоотлари ва уларни таъмирлашни лойиҳалаш.
6. Ер ости пўлат қувурлари ва кабель тармоқларини электр кимёвий муҳофаза этишни ва уларни таъмирлашни лойиҳалаш.
7. Электр кимёвий муҳофаза этиш асбобларини созлаш ва ишга туширш.
8. ЕС 1035 ва АРМ 2.01.04 (СМ. 1420 базасида) элетрон ҳисоблаш машиналарини машина вақтини ижарага бериш.
9. Ҳисоблаш машинасида ходимлар ойлик маошларини ҳисоблаш.
10. Таклифнома, табрикнома, таваллуд ва иш қоғозларини босмахона усулида тайёрлаш.
11. Эълон, шартнома (30×21 см, 42×30 см катталикда) ва иш қоғозларини офсет усулида кўпайтириб бериш.
12. Китоб, қайд дафтари ва диплом ишларини муқоваласш ҳамда ён дафтарча, альбомларни тайёрлаб бериш.
13. Турли ҳужжатларинн РЭМ-420, РЭМ-620 аппаратларида кўпайтириш.
14. Ташкилот ва корхоналарга эълонлар ва бошқа ёзувларни бадиий безак билан тайёрлаб бериш.

Илмгоҳ юқорида кўрсатилган хизматларни қисқа муддат ичида арзон баҳода сифатли бажарилишига кафиллик беради.

Хизмат нархлари шартнома асосида.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этинг: Тошкент шаҳри Беруний кўчаси, 83, метронинг «Тинчлик» бекати. Маълумот учун телефонлар: 42-44-54, 42-98-68, 49-33-67, 42-44-48.

ШОШИЛИНГ! ХИЗМАТИМИЗДАН МИННАТДОР БЎЛАСИЗ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. Травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институти.

Травматология ва ортопедия бўйича клиник ординатурага

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Икки ўрин, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институтида тайёрғарликдан ўтнлади.

Танлов муддати бир ой.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 79-уй. Телефонлар: 33-10-30; 33-12-35;

МАСЖИД–АЛЛОҲНИНГ УЙИДИР

Ислом дини мўмин-мусулмонлари ибодат қиладиган масжид қурилишида қатнашган ёки унга моддий мадад берган кишилар чексиз савобга доҳил ва Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўладилар.

Яккасарой ноҳиясидаги Қушбеги ва Бошлиқ мавзелари ҳамда Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг 2-вагонлар депоси ҳудудида жоме-масжиди қурилиши бошлаб юборилди.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг қарори асосида бунёд этишга киришилган бу улуғ ибодатгоҳ қурилишида қатнашиш ҳар бир мўмин-мусулмон ҳамда ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ҳамда биржалар жамоаларининг шарафли бурчидир.

Масжид қурилиши учун жамғарма ҳисоби очилди.

Тошкент шаҳри Ҳамза ноҳияси, Саноат-қурилиш банкидаги ҳисоб рақамимиз: 000644904 МФО 172682306.

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОЙНА-МЕБЕЛЬ КОРХОНАСИ: — аҳолидан нақд пулга ҳамда ташкилотлардан олдиндан пул ўтказиш йўли билан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги республикаларидагига нисбатан 20 фоиз арзон нархларда кўзгулар, кўзгу полотнолари, шиша тахталар ва тавақалари тайёрлаш учун БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

КОРХОНА МАНЗИЛГОҲИ: Тошкент, Луначарский кўчаси, 298-уй, 143-алоқа бўлими. Маълумотлар учун телефон: 64-83-17.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши мазкур Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Н. Искандаровга онаси

Жамолой НОСИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

МУХБИРЛАРИМИЗ ЁЗАДИЛАР

ТУРКИЯ АВТОБУСЛАРИ

● НАВОИЙ. Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги тобора ривожланмоқда. Буни иқтисодий-сиёсий алоқаларда эмас, балки мол айрибошлашда ҳам кўриш мумкин.

Навоий кон-металлургия комбинати ишбилармонларининг ҳаракати туфайли Туркиянинг «Мерсидес Бинг» фирмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Навоийлик кончилар ўз валюталари ҳисобига бу фирмадан 7 та замонавий автобуслар сотиб олишди. Қулай бу автобуслар Зарафшон шаҳридаги марказий кон бошқармаси олтинтопарларига хизмат қилмоқда. Бурунтоғ олтин конига Туркия автобусларининг қатнаётгани қувончлидир. Илгари кончилар ишга поездда келиб кетишарди. Йўл харажатлари йилига 5—7 миллион сўмни ташкил этарди. Энди олтинтопарлар шаҳар билан кон оралиғидаги 30 километрлик масофага автобусларда қатнашаяпти. Шу йил охиригача Туркиядан 26 та ана шундай Мерсидес автобуслар сотиб олинади.

М. ШАРОПОВ.

«ХОТИРА» ЗИЁРАТГОҲИ

● ЖИЗЗАХ. Урушга кетиб, ўзга юртларда жон берган 2 минг 16 нафар юртдошлар хотираси учун шу пайтгача ёдгорлик ўрнатилмаганди.

Фориш район ҳокимиятининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида Янгиқишлоқда очилган «Хотира» ёдгорлик мажмуи халқ ҳашарининг ажойиб маҳсули бўлди. Райондаги 5, 11, 64-механизациялашган кўчма калонна, коммунал бўлими, маҳаллий саноат комбинати, халқ таълими бўлими каби ўнлаб жамоалар ёдгорлик қурилишида фаол иштирок этдилар. Тошкентдаги «Ёдгорлик» комбинати ҳайкалтарошлари мармарга марҳумларнинг номларини битишди.

«Хотира» зиёратгоҳи Афғонистонда ҳалок бўлган Ҳ. Тўлаков, Ҳ. Ҳотамов, Ў. Ҳожиев, Ў. Умаров, Б. Ҳасановларнинг бюстлари ўрнатилганлиги билан ҳам муқаддасдир. Яна бир эътиборли томони шундаки, ёдгорлик пойига дастлабки гулчамбарларни қўйганлар орасида жумҳуриятнинг барча вилоятлари, қўшни Тожикистон ва Қозоғистон республикаларидан келган кишилар ҳам бор эди.

Б. САТТОРОВ.

— ХОРАЗМ —

ЎЗАРО АҲДНОМА

● ЎЗБЕКИСТОН ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги азалий алоқаларни мустаҳкамлашда Хоразм ва Қизилўрда вилоятлари ҳокимиятларининг ўзаро аҳдномаси муҳим аҳамият касб этди.

Ҳар иккала вилоятнинг нуфузли вакиллари имзолаган ана шу қардошлик аҳдномасига биноан икки вилоят ўртасида тўғридан-тўғри савдо ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, уни янада ривожлантириш, олди-берди усулида совун, кунжара, шоли, картон қутичалари, ўсимлик ёғи ҳамда буғдой айирбошлашни йўлга қўйиш режалари белгилаб олинди.

Асосан Урганч ёғ-мой комбинати жамоаси билан Қизил Ўрда • вилоятининг «АСПЕК»уюшмаси ўртасида ўрнатилган биродарлик ва қардошлик алоқаларига кўра 1992 йил давомида 8 минг тонна кунжара, 3500 тонна шоли ҳамда минг тонна буғдой, 500 тонна хўжалик совунига 650 минг квадрат метр хажмда картон қутичалари айирбош қилинди. Ўсимлик ёғини донга айирбош қилиш масаласи эса ҳар иккала вилоят манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда қайта ўрганиб чиқилади. Томонлар шунингдек, махсулотларнинг аниқ нархи ва уларни етказиб беришни йўлга қўйиш ҳақидаги шартномага ҳам имзо чекишмоқчи.

КИЧИК КОРХОНА КИТОБЛАРИ

● УРГАНЧ шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Инсоф» концернига қарашли «Мураббий» кичик корхонаси иш кўламини кенгайтиришга катта эътибор бераётир.

Бу ерда ишлаб чиқариш жараёни вилоятнинг нашриёт, полиграфия ҳамда китоб савдоси ишларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, давлат идоралари ҳамда фуқароларнинг ҳар хил буюртмалари тез ва сифатли тайёрлаб берилмоқда.

Яқинда кичик корхонада китоб чоп этиш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Бу оорада биринчи «маҳсулот» журналист Қодир Матжоновнинг Урганч ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги тарихи, бугуни ва эртаси ҳақидаги лавҳалар акс этган «Шонли йўл» сарлавҳали рисоласи бўлиб, корхона бу китобни ўша колхоз маъмурияти буюртмасига асосан бир неча минг нусхада чоп этган. Корхона нашр этган иккинчи китоб Хива педагогика билим юрти муаллими Р. М. Мадаминова қаламига мансуб бўлиб, ўрта мактаблар ва педагогика билим юртлари ўқитувчилари учун мўлжалланган, «Рус тили бўйича диктант ҳамда машқлар тўплами», деб аталади.

Корхона, шунингдек, хоразмлик шоир Рўзибой Нурматнинг «Ботот наволари» деб аталган шеърлар тўпламини ҳам муаллиф ҳисобидан беш минг нусхада босмадан чиқариб берди. Кичик корхона ўзининг «Манзара» ва «Панорама» деб аталган махсус рўзномасини ҳам рус ва ўзбек тилларида 10—15 минг нусхада чоп этаяпти.

Э. МАДРАҲИМОВ.

ГУРУНГ

● ҚУВОНЧ.

Р. Альбеков олган сурат-лавҳа.

● Шу кунларда Ўзбекистонда атоқли қримтатар адиби Шомил Алядиннинг 80 йиллиги нишонланмоқда.

• АДАБИЁТ АРБОБЛАРИ

МИННАТДОР ҚАЛБ

Унинг болалиги Қримдаги Ай-Петри ўрмонлари қўйнига жойлашган Мохулдур қишлоғида ўтди. Унинг «Тонг булбули» деган илк шеъри Исмоил Гаспринскийнинг ёрқин хотирасига бағишланганди. «Ёш қувват» газетасида босилган бу асар кўпчилик эътиборини тортди.

1928 йили ўн олти ёшли Шомил Симферополдаги педагогика техникумига кириб ўқиди. Айни чоғда у мунтазам равишда шеърият билан шуғулланди. Кетма-кет ёш шоирнинг «Ер қулди, кўк қулди», «Қизил казак қуйлари», «Ҳаёт» каби тўпламлари нашр этилди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда у ҳам биринчилардан бўлиб фронтга отланди, босқинчиларга қарши жангларда жасорат кўрсатди.

Адибнинг урушдан кейинги бутун ижодий фаолияти Ўзбекистон билан боғланди.

Шомил Алядин адабий жанрларнинг деярли барчасида етук, баркамол асарлар ярата олди. У айниқса, қисса жанрида кўпроқ шуҳрат қозонди. Адиб қримтатар насрини жаҳон новеллистикаси даражасига кўтарди. Бу соҳада ўзига хос бетакрор мактаб яратди. «Шомил Алядиннинг шундай қиссалари борки, уларни жаҳон новеллистик адабиётининг энг яхши намуналари билан бир қаторга қўйиш мумкин», деб ёзган эди таниқли адабиётшунос Д. Климович. Бунда у ёзувчининг «Иблиснинг зиёфатига даъват», «Тасалли», «Қурбонлар номи билан», «Эльмаз», «Қуюн тўхтаганда» сингари қиссаларини назарда тутган.

Адиб улкан санъаткор сифатида ўзи яшаб, ижод этган йиллар халқ ҳаётининг бир қанча етакчи мавзуларини, ўткир муаммо, зиддиятларини ҳаққоний, юксак маҳорат билан акс эттирди. Шуниси диққатга сазоворки, ёзувчининг давр садоларига акс-садо тарзида ҳозиржавоблик билан битилган, долзарб масалаларни дадил кўтариб чиққан энг яхши асарларида ҳозирги покланиш, қайта қуриш дамлари учун зарур, аҳамиятли жиҳатлар кўп.

Ёзувчининг «Тасалли» қиссасидаги воқеалар Қримда асримизнинг йигирманчи йилларида бўлиб ўтади. Максим Горький ижоди билан таниш китобхон ҳаёлига буюк адиб чорбоғининг номи келади. Бироқ қримтатар ёзувчисининг қиссасидаги Тасалли — манбанинг, чашманинг номи. Шомил Алядин учун бундай чашма она диёрининг табиати, маданияти ва тарихидир. Қиссанинг қаҳрамонлари шу ҳаёт чашмасидан маънавий қудрат олиб, ўз туғилган юртларини босқинчилардан озод этишда жонбозлик кўрсатадилар. Асарнинг бадиий жиҳати ҳақида гапирганда табиатнинг жуда гўзал тасвир этилган манзараларини — пейзажларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шомил Алядин ижодида Улуғ Ватан уруши мавзуи алоҳида ўрин тутади. Зотан, Улуғ Ватан урушида ўн минглаб қримтатарлар иштирок этган. «Човуш ўғли» қиссасининг асосий воқеалари бугунги кун воқеалари билан кесишади. Асар сюжети содда, кекса Човуш орадан кўп йиллар ўтгач ёлғиз ўғли, сув ости кемасининг капитани Диловарнинг ҳалокатидан кейин фавқулодда ўсмир Диловар Човуш — невараси билан учрашади. Кўрамизки, ҳаёт давом этаётир, Човушлар сулоласи невара ҳаётида яшаётир.

Ҳажман кичик «Қуюн тўхтаганда» қиссасида ҳам Улуғ Ватан уруши мавзуи қаламга олинган. Асар қаҳрамони қримтатар Халифа ҳамшира сифатида фашизмга қарши партизан отрядида курашади.

«Иблиснинг зиёфатига даъват» асари ўзининг ҳужжатлилиги билан устун. Қисса асосан қримтатар шоири, жамоат арбоби Усеин Шомил Тохтарғази ҳаёти ва ижтимоий фаолияти тасвирига бағишланган. Асарда бош қаҳрамон образи тасвири билан чекланиб қолинмайди, балки, ўша йилларда — XIX аср охири ва XX аср бошларида йирик шоирлар, олимлар, жамоат арбоблари, жумладан Исмоил Гаспринский, Решид Медиев, Абдулла Тўқай ва бошқаларнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида кенг ҳикоя қилинади. Асарнинг фазилати яна шундаки, у фақат табиат манзаралари тасвири ёки муайян бир воқеалар тавсифидан иборат бўлмай, балки, китобхонга қримтатар халқининг маданияти, тарихи, анъаналари, урф-одатлари ҳақида кенг тасаввур беради.

Шомил Алядин қримтатар халқининг фожиаси— сургунлик йилларини бошидан кечирган адиб сифатида ижодида умрининг кўп қисми ўтган гўзал Ўзбекистонга икки ажойиб асар — «Агар севсанг» ва «Тонг отгунча чарақлаган чироқлар» романларини бағишладики, бу билан елкама-елка туриб, уруш қийинчиликларини бардошлик билан енгган, қардошларига ёрдам қўлини чўзган ўзбек халқига юрак миннатдорчилигини изҳор этди.

Олтмишинчи йилларнинг бошида ёзилган «Агар севсанг» романида Чирчиқ шаҳрининг бунёд этилишида халқларимизнинг меҳнати, фидокорлиги улуғланади. Адибнинг ўзи ўттизинчи йиллари бу қурилишда экскаваторчи бўлиб ишлаган эди. Шунинг учун ҳам романнинг бош қаҳрамони тақдири адибнинг таржимаи ҳоли билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек қизи инженер Ирода Шодмонова ва қримтатар йигити экскаваторчи Жевдет Бекиров севгиси мисолида Ўзбекистон ва Қрим орасидаги тарихий алоқалар, бир-бири билан ҳамкорлик ришталари моҳирлик билан акс эттирилади.

Адибнинг «Тонг отгунча чарақлаган чироқлар» романи эса Оҳангарон кончилари ҳаётидан олиб ёзилган. Куч-қувватга тўла, тиниб-тинчимас ёш инженер, кон бошлиғи Дониёр Калонов, унинг рафиқаси, кончилар касалхонасининг хирурги Феруза Тоғаева, ишчи-машинист Кочмазов ва бошқалар романнинг бош қаҳрамонларидир. Ёзувчи ана шу кишилар ҳаёти орқали бутун кончиларнинг турмушини, уларнинг ўй-фикрларини, ташвишлари-ю шодликларини акс эттиради. Ётук характерлар яратади.

Ёзувчи «Яшил либосли қиз», «Эльмаз», «Булоқчалар» тўпламларига кирган ҳикоя ва қиссаларида ҳам 70-80-йилларда Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилган ўз замондошлари — қримтатарлар ҳақида ҳикоя қилади. Адиб ўзининг узун умрида биргаликда ижод қилган, яшаган ва мулоқотда бўлган қаламкаш дўстлари тўғрисида «Юксак масъулият» деб номланган ҳужжатли ҳикоялар тўпламини нашр қилдирдики, бу қримтатар адабиётида мемуар жанрининг энг яхши намуналаридан биридир.

Атоқли сўз санъаткори Шомил Алядин ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан боғлади. Ёзувчилар уюшмасининг котиблигига сайланди, жумҳурият Адабиёт жамғармасини бошқарди. Ёш томошабинлар театрининг директори бўлиб ишлади. Ўзбек адабиётининг дарғалари — Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов каби адиблар билан ҳамнафасликда, ҳамкорликда меҳнат қилди.

Шомил Алядин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қримтатар адабиёти кенгашини тузишда, «Йилдиз» («Юлдуз») адабий-бадиий журналини ташкил қилишда, шунингдек, сургунлик йилларида она тилида мактаб кўрмаган истеъдодларни тарбиялашда бош-қош бўлдики, буни ҳозирги қримтатар адабиётининг кўзга кўринган вакиллари бўлиб етишган адиблар ҳеч қачон унутмайдилар.

Гаспринский, Чобан-зода, Латиф-зода, Умер Ипчи, Эшреф Шемьи-зодалар анъаналарини пухта ўрганган, ўгитларига амал қилган, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзодаларга ҳамнафас бўлиб, улар изланишларидан илҳомланган Шомил Алядин ҳозир ҳам қизғин ижодий иш билан машғул. У яқинда XVI асрда яшаган Қрим хони Ислом Герай ва унинг саркардаси Тоғайбей ҳақидаги тарихий асарини ёзиб тугатди.

Ёзувчи халқ виждони, деган гап бор. Ҳақиқий қаламкаш ҳамиша шундай бўлиб қолаверади. Бугунги кунда Шомил Алядиннинг улкан хизматлари баралла айтилаётган экан, демак, ёзувчи бу юксак унвонни оқлабди. Қримтатар халқи ўзининг маданияти, адабиёти дарғалари қаторида сўз устаси, санъаткори, энг мураккаб, мушкул дамларда ҳам имон-эътиқодига содиқ қолган, ҳамиша ҳақ сўзини мардона туриб айтган, ижтимоий адолат, адабиётимизнинг софлиги, бадиий юксаклиги учун бетиним муросасиз курашган асл ўғлони Шомил Алядин билан ҳам фахрланади.

Биз атоқли адиб, ўзбек адабиётининг дўсти, устозимиз Шомил Алядинни қутлуғ 80 ёши билан муборакбод этиб, унга соғлиқ ва ижодий зафарлар тилаймиз.

С. НАГАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қримтатар адабиёти кенгашининг раиси.

• *Мингга киринг*

ИККИ АСР ОТАХОНИ

ТУРКИЯНИНГ Константинополь шаҳрида мен 154 ёшга кирган ажойиб инсон билан учрашиб, суҳбатлашдим. Уни Зора Агха, деб аташарди. У темирйўл бекатида ҳаммол бўлиб ишлайди. Ҳар куни 12 соат давомида оғир юкларни ташир экан. Унинг кўриши, эшитиши ва жисмоний қуввати ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради. Идроки жуда ҳам тиниқ. Бу кишида ҳазил-мутоиба жуда ҳам ўринли. Ҳамиша кулиб туради ва хазиллашиб ҳам қўяди. 154 ёшга кирибди-ю, атиги 2 тагина тиши тушган. У ўзининг тишлари ва милкларини кўрсатганда ҳайрон қолдим. Ҳар бир тиши марварид каби мустаҳкам, оппоқ ва бақувват.

Бу кишининг шундай улуғ табаррук ёшга киришига қарамай, навқирон йигитлардек куч-қудратини сақлаб қолганлигининг боиси табиий овқатланиш ва машқлари экан. У ҳеч қачон қадоқланган нозу-неъматларни танаввул қилмайди. Доимо табиий таомлар билан овқатланади. Умрида бирон марта ҳам оқ нон ва чақмоқ қанд тановвул этган эмас. Мусулмон инсон сифатида бир томчи ароқ ҳам ичмаган. Мен севимли таомингиз нима деб сўрганимда, у шундай жавоб берди: «Хурмо».

Доимо хурмо танаввул қиладиган кишилар ҳаётий куч-қувватни яхши сақлайдилар, кўп ишларга бардошли бўладилар. Шимолий Африканинг тоғларида бир вақтлар ғаройиб кун кечирувчи арабларнинг турмушини тадқиқ этганман. Улар ўзининг чексиз куч-қувватга эга эканлигини намойиш этиб, мени ҳайратга солишган. 70, 80 ва 90 ёшга кирган чавандоз кишилар Африканинг 130 даражагача иссиқ бўлган масканларида туя елдириб юришганини кўрганман. Лекин Зора Агхадан Туркияда мен биринчи марта хурмонинг чексиз шифобахш эканлиги ҳақида эшитдим. У ҳар сафар овқатланганда уч-тўрт донадан хурмо тановвул қилар экан. Шакар бойлаган бундай хурмолар таркибида одамга куч-қувват бағишловчи манбалар борлигини бу киши жуда яхши билар экан.

Зоранинг овқатланиши дунёяратилган замондан буён одат бўлган овқатланишларга тўхтайди. Куч-ғайратга тўлган 154 ёшли Агха шунингдек, кўплаб саримсоқ пиёз ҳам тановвул қилиб туради. Саримсоқ пиёз камбағал кишининг пенцилини ҳисобланарканман. Мен мутахассис сифатида шуни айта оламанки, бу неъмат юрак ва унинг қон томирларига ижобий таъсир кўрсатади. Зора менга қуйидагиларни айтиб берди. У офтобда қуритилган қора нон тановвул қилар экан. Ҳеч қачон тандирдан узилган нонни емаган. Бундан ташқари ёғсиз гўшт, яхши пишган зайтун меваси, ҳар хил мева ва сабзавотлар унинг севимли таоми ҳисобланган. У мол ёғини тановвул қилмаган ва ҳафтасига иккитадан ортиқ тухум емаган. Туркияда ва Кичик Осиёда минг йилларидан буён фойдаланиб келинаётган ўсимлик мойини бу киши сабзавотларга қўшиб ишлатган. Унинг ягона ичимлиги, сувдан ташқари, ялпиз ҳиди анқиб турадиган чой. Бу барча араблар ва мусулмонларнинг севимли ичимлигидир.

Поль БРЕГГнинг «Юракни қандай сақлаш мумкин» китобидан.

• СПОРТ •

МУНОСИБ НОМЗОД

● ШУ КУНЛАРДА моҳир спортчилар Барселона олимпиадасини кўзлаб машқларга зўр бермоқдалар.

Маълумки, тошкентлик югурувчи Марина Шмонина олимпиада баҳсларида республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишга шайланиб турган қизларимиздан. У яқинда Францияда ўтказилган халқаро мусобақада 400 метрга югуриб (53,03 секунд) маррада иккинчи ўринни эгаллаш билан олимпиадага муносиб номзод эканини кўрсатди.

СОВРИНЛИ ЎРИН

● МОСКВАДА ўтказилган МДҲ чемпионати кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Велотрек майдонида бир неча кун давом этган муросасиз баҳсларда иштирок этган Тошкентлик Александр Зайцев совринли ўринни эгаллаб, мухлисларни қувонтирди.

ҲОЖИБОЙНИ ОЛҚИШЛАБ

● НУКУС. Хўжанддаги Камол Хўжандий номли музикали драма театри артисти, Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси мукофоти лауреати Ҳожибой Тожибоев бир неча кун қорақалпоғистонликлар меҳмони бўлди.

У биринчи кулги кечасини Нукус шаҳридаги Бердақ номли музикали драма театрида ўтказди. Унда салкам 800 томошабин иштирок этди. Ҳожибой Тожибоев ўзининг кулдириш усулига кўра қизиқ гаплар, ҳаёт, турмуш икир-чикирлари, урф-одатлар ва кузатишлари бўйича чиқишлар қилиб, томошабинларни қувонтирди. Бундай кулги кечалари Чимбой, Хўжайли, Амударё, Тўрткўл районлари давлат ва жамоа хўжаликларида ҳам бўлди.

МАДАНИЙ ХИЗМАТ

● ҚАРШИ. Муқимий номидаги республика музикали драма театрининг Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова бошлиқ бир гуруҳ санъаткорлари қўриқ Қашқадарё вилоятида бир неча кун бўлиб, дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишди.

Тошкентлик театр ижодкорлари Нишон, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз районларини колхоз ва совхозларида бўлиб, пахтакор-у чорвадорлар билан учрашдилар. Санъаткорлардан Т. Бекназаров, М. Азизов, Р. Солихов, А. Салимов кабилар ижро этган куй ва қўшиқлар, музикали драмалардан парчалар, Р. Ниёзова билан Л. Ҳасановаларнинг жозибали рақслари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

К. МУСАЕВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-86, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583. Буюртма № Г — 127. № 136.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 20.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.